

Республика ахборот-кутубхона соҳаси: янгича талаблар

Абсалом Одилович
Умаров,

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директори, социология фанлари
доктори



XX асрнинг буюк кутубхоначиси Хорхе Луис Борхес: “Мен жаннатни баъзилар каби боғу бустон ёки муҳташам қасрга эмас, ҳамшиша кутубхонага ўхшатиб тасаввур қиламан”, - деган эди.

XX асрнинг яна бир буюк мутафаккири Альберт Эйнштейн наздида ҳам “Жаннат – улкан кутубхона, аммо у ердан китоб олиб бўлмайди”.

Қизиқ, XXI аср кишиси учун ҳам кутубхона жаннатий ҳузур ва фароғат манбаи бўла оладими? Бу саволга бир хил жавоб бериш қийин. Сабаби – янги аср китобхонининг зиё масканига келишдан мақсади ва мўлжаллари ўзгарган. Бугун кутубхонага бадий асарлар қаҳрамонлари билан романтик учрашувлар учун эмас, аниқ бир вазифани бажариш, муайян топшириқни удалаш учун ташриф буюрувчилар кўпчилиги ташкил этади. Шунинг учун ҳам кутубхоналарнинг қиёфаси, улардаги маънавий-психологик муҳит, кутубхоначиларнинг функционал вазифаларида ҳам ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Эндиликда кутубхоначи, айниқса, йирик кутубхоналарнинг ходимлари универсал малака ва билимга эга мутахассислар бўлиши талаб қилинмоқда.

2006 йили Президент Ислон Каримовнинг ҳаммамизга маълум қарори чиққандан кейин мамлакат кутубхоначилиги тарихида бошлаб берилган туб ислохотлар кутубхоначи касбининг мазмунига янги мазмун қўшди. Эндиликда кутубхоначи – тарбиячи, руҳшунос, китоб хазиначиси, зиё масканининг хизматчиси сингари рутбаларга ахборот-коммуникация соҳасининг мутахассиси деган рутбани ҳам қўшадиган бўлди. Бу эса, табиийки, мазкур билим ва малакани берадиган таълим йўналишларини очишни, гуманитар соҳа билан техникавий соҳанинг қўшиб олиб борилишини тақозо қилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳали бу соҳада олдимизга қўйилган вазифалар тўла-тўқис бажарилди, деб бўлмайди. Директив ҳужжатда кўзда тутилган мўлжалларнинг ташкилий томонлари амалга

оширилган бўлса ҳам, унда моддий-техникавий таъминот, коммуникация ва кадрлар масаласида ечимини кутаётган муаммолар анчагина.

Ҳаёт оқими узлуксиз. Жамият тараққиёти талаби кун тартибига янгидан-янги масалаларни олиб чиқмоқда. Хусусан, жорий “Баркамол авлод йили” дастурида ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни янги босқичга кўтариш ва республикада 2010-2015 йилларга мўлжалланган барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхона босқичма-босқич шакллантириш, интеграллашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш вазифалари қўйилди. Бу эса мамлакатда:

- 1) ахборот-кутубхона фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- 2) ахборот-кутубхона жараёнини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш;
- 3) интеграллашган ахборот-кутубхоналар тармоғи учун кадрлар тайёрлаш;
- 4) етакчи хорижий кутубхоналар билан касбий алоқаларни фаоллаштириш ҳамда жаҳон ахборот майдонига кириш орқали амалга ошадиган улкан мақсад эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишни тақозо қилади.

Ҳозирги пайтда бурежани бажаришга киришилди. Жумладан, барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхона босқичма-босқич шакллантириш, республикада интеграллашган ахборот-кутубхона тармоғини яратиш дастури ва концепциясининг биринчи варианты ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги қарори лойиҳаси тайёрланди.

Ахборот-кутубхона жараёнларини компьютерлаштириш ва автоматлаштириш муаммосини ҳал қилиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқилган автоматлаштирилган кутубхона тизимига эга бўлишимиз лозим. Қувонарлиси шуки, бу соҳада мутахассисларимиз томонидан муайян ишлар

2'2010

БИБЛИОТЕЧНИЙ ВІСНИК

НАЦИОНАЛЬНА БИБЛИОТЕКА УЗБЕКИСТАНУ
імені АЛШЕРА НАВОІ:
ІСТОРИЯ І СЬОГОДЕННЯ

Зміст	Contents
Эшеров А. Национальнaя библиотека Узбекистана имени Аlisher Navoi: страницы истории и современный этап 3	<i>Esherov A. Alisher Navoi National Library of Uzbekistan: pages of history and present situation</i> 3
Абдулҳалим Е. Кишилик ва маданият Узбекистанда: асосий тенденциялар ва маданиятнинг тарихий хусусиятлари 10	<i>Abdulkhalim E. Book culture of Uzbekistan: major tendencies of development and socio-cultural features</i> 10
Рахматиллаев М. Ривожланиш ахборот технологиялари кутубхоналари Узбекистанда: реформалар ва натижалар 22	<i>Rahmatillaev M. Development of information technologies in libraries of Uzbekistan: Reforms and their results</i> 22
Бартош Е. Кутубхона тарбияси – маданиятнинг асосий тарғиботи 26	<i>Barbos E. Culture of reading – as a culture of original research activity</i> 26
Ташбаева Э. Организационно-методическая деятельность Национальной библиотеки Узбекистана имени Аlisher Navoi 29	<i>Tashbaeva E. Organizational and methodical activity of Alisher Navoi National Library of Uzbekistan</i> 29
Маматова Л. Новые информационные технологии: сохранение национального культурного наследия Республики Узбекистан 31	<i>Mamatova L. New informational technologies of saving of national cultural heritage of Republic of Uzbekistan</i> 31
Маматова Л. Значение «Туркестанского альбому» уязвляющего О. Л. Курма для изучения истории Туркестанского края 34	<i>Mamatova L. Meaning of «Turkistan Album» by O. L. Kurm for studying history of Turkistan land</i> 34
Руднев Ф. З истории создания библиографических источников на территории Средней Азии 38	<i>Rudnev F. From history of creation of the bibliographic sources in the Middle East</i> 38
Издания Национальной библиотеки Узбекистана имени Аlisher Navoi (2003–2009 гг.) 40	<i>Issues of Alisher Navoi National Library of Uzbekistan (2003–2009)</i> 40

бажарилди. Хусусан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Тошкент давлат маданият институти мутахассислари томонидан яратилган “KARMAT” – корпоратив ахборот-ресурс марказларининг автоматлаштирилган тизими, Ёш дастурчилар маркази тайёрлаган “KADATA”, Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан ишлаб чиқилган “TUIT AKT” дастурлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, ахборот-кутубхоначилик соҳаси бўйича қуйидаги миллий стандартлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди:

1) O'zDSt 1214 «Ахборот-кутубхоначилик фаолияти, библиография. Терминлар ва таърифлар» Ўзбекистон Давлат стандарти;

2) O'zDSt 1215 «Библиографик ёзув. Библиографик тавсиф. Умумий талаблар ва тузиш қоидалари».

Юқорида таъкидланганидек, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш бу соҳа ходимларининг тайёргарлик даражаси, билим ва малакасига боғлиқ. Айни пайтда Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетларида “Ахборот-кутубхона фаолияти” соҳасида кадрлар тайёрлаб келинмоқда. Бундан ташқари, ЎзР Халқ таълими вазирлиги ва Осиё тараққиёт банкининг “Умумтаълим

мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр қилиш тизимини такомиллаштириш” ҳамда “Мақтаб кутубхоналарини ривожлантириш лойиҳаларига биноан мақтаб кутубхоналари дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминланди, шунингдек 1000 та мақтаб кутубхонаси компьютер ва оргтехникалар билан жиҳозланди, 1200 кутубхонача компьютер саводхонлиги ва ҳозирги замонавий кутубхоначилик менежменти бўйича ўқитилди.

Яна бир катта лойиҳага кўра Ўзбекистонда Тошкент ахборот технологиялари университети Тошкент давлат маданият институти ва Англия, Испания, Италия, Латвия, Арманистон, Грузия давлатлари олий ўқув юртлари ҳамкорлиқда Европa Иттифоқининг “ТЕМПУС” фонди молиявий кўмаги билан «Кутубхоначилик иши ва информатика бўйича янги магистрлик дастури (2009-2011)» устида иш олиб бормоқдалар.

Лойиҳадан мақсад Европанинг етакчи мамлакатларидаги илғор усул ва самарали ўқув воситаларидан фойдаланган ҳолда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқишдир.

Етакчи хорижий кутубхоналар билан ахборот кутубхоначилик алоқаларини фаоллаштириш ҳамда жаҳон ахборот майдонига кириш йўналишидаги савий-ҳаракатлар ҳам самарали олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Эрон, Миср, Польша, Латвия, Озарбайжон, Украина, Россия (Санкт-Петербург, Москва) миллий кутубхоналари билан ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро битимлар тузилган. Республикамизнинг 13 та АКМларида Emerald электрон ресурсларига кириш ва фойдаланиш бўйича ўқув-маслаҳат марказларини ташкил қилиш юзасидан Республика ахборот-кутубхона марказининг Emerald компанияси билан ҳамкорлик шартномаси имзоланган.

Ҳамкорликнинг аниқ самараларига мисол сифатида “Библиотечный вестник Украины” журналининг 2010 йил 2-сонига тўлалигича Ўзбекистон кутубхоначилигининг тарихи ва бугунги кунига бағишланганини айтиш мумкин. Материалларни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходимлари тайёрлаган.

Кутубхоналаримизнинг жаҳон ахборот майдонига кириб боришида халқаро кутубхоначилик конференциялари ва семинарлари муҳим роль ўйнамоқда. Жумладан, 6-мартга ўтказилаётган «ахборот-кутубхона ресурсларидан фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида фойдаланиш» халқаро конференцияси ҳамда Илмий-техникавий ва таълимий ахборотларнинг электрон маълумотлар базалари ва тармоқларини яратиш бўйича етакчи хорижий мутахассислар иштирокида ҳар йили ўтказиладиган «Электрон кутубхона тармоқларида фан-таълим ахборотларини яратиш ва улардан фойдаланиш технологиялари» мавзусидаги тақдимотлар ҳамда семинарлар фикримизга яққол

мисол бўлади. Бу тадбирларда Буюк Британия, Россия, АҚШ каби хорижий давлатларнинг Springer, ProQuest, Emerald, ИВИС, КОНЭК компаниялари қатнашмоқда.

2010 йили кутубхоначилигимиз тарихида кўпдан қўрилган воқеа юз берди: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги, замонавий биноси қурилиши бошланди. Бу, аввало, Миллий кутубхона ходимларига, қолаверса, мамлакатимиздаги барча кутубхона, АКМ ва АРМлар жамоаларига муайян масъулиятлар юклайди. Эндиликда Миллий кутубхона атрофида жипслашиб, унда яратиладиган техник-технологик имкониятлардан фойдаланган ҳолда ахборот-кутубхона соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришга эришмоқлозим.

Хусусан,

1) Миллий кутубхонада корпоратив каталоглаштириш марказини ташкил этиш ва унинг ишини профессионал даражага кўтариш;

2) Миллий кутубхонадаги барча қоғоз каталогларнинг тасвирий каталогини, бошқача айтганда, “Имиж каталогини” яратиш;

3) Миллий кутубхонанинг мавжуд веб-сайти имкониятларини кенгайтириб, уни Ўзбекистоннинг виртуал кутубхонасига айлантириш;

4) муаллифлик ҳуқуқининг сақланиш муддати ўтган энг муҳим асарларни, шу жумладан, бадиий асарларни ҳам рақамлаштириш;

5) тадқиқотчиларга қулайлик туғдириш мақсадида диссертациядан эркин фойдаланиш учун уларнинг муаллифлари билан шартномалар тузиш ва

Ка DaTa

Версия
2.0

Программное обеспечение информатизации библиотек

диссертацияларнинг электрон нусхасини кутубхонанинг веб-сайтига жойлаштириш;

6) “КАРМАТ” дастурини ривожлантирган ҳолда китобхонларга масофадан хизмат кўрсатишни кенг йулга қўйиш;

7) турли тоифадаги, жумладан, имконияти чекланган китобхонларга ҳам хизмат кўрсатиш шароитини яратиш сингари масалаларни ҳал этишга киришиш керак.

Шу йил 28 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини яхшилаш юзасидан 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида” фармойиши эълон қилинди. Унга кўра, олий ўқув юртларининг таълим жараёнларига электрон ўқув-илмий адабиётларини кўпроқ жорий этиш, ахборот-ресурс базасини мустаҳкамлаш вазифалари қўйилган. Бу эса Миллий кутубхона ва республикадаги етакчи кутубхоналар ҳамда олий ўқув юртларининг АРМларини бирлаштирган корпоратив тармоқни ташкил этишни тақозо этади. Унга мамлакатдаги бошқа АРМлар қўшилса ва бундай корпоратив тармоқ негизда ахборот-кутубхона инфратузилмаси яратилса, қуйидаги натижаларга эришиш мумкин:

- Ўзбекистон ва хорижий давлатлар кутубхоналари ва китобхонлари учун йўзма электрон каталогга очиқ онлайн-киришни тақдим қилиш;

- университет, институт ва кутубхоналарга ўз локал электрон каталогини шакллантириш бўйича самарали ёрдам бериш;

- йўзма электрон каталогдаги ўзувлардан фойдаланиш орқали на каталоглаштиришнинг машаққатини ва сарфини қисқартириш;

- библиографик қидирувни тезкор ошириш имкониятларини яратиш;

- ахборот фондлари ва ресурслар самарали айирбошлаш имкониятларини яратиш;

- тўлиқ матнли маълумотлар базалар жумладан, электрон дарсликлар маълумот базаларига кириш имкониятларини яратиш;

- бошқа вазирлик ва идора кутубхоналарининг корпоратив каталоглар тармоғига уланиши натижасида республика кутубхона тармоғини кенгайтириш имконияти яратиш;

- каталоглаштириш жараёнда қайтариқларни бартараф этиш ва шартларда ресурсларни фаол тақсимлаш ҳамда маблағ ва ишчи кучларини иқтисод қилиш тўғрисида;

- республика кутубхона тармоғининг илмий-техник ахборотларни шакллантириш тарқатишни фаоллаштириш.

Ахборотни тезкор алмашиш имкониятлари манбаларига жадал етишиш қулайликлари мафтун этади, албатта. Шиддатли замонавиётнинг шитобларига ҳамқадам бўлиш ёшу қари учун ёқимли. Аммо китоб билан дўстлашиб, сирдошдан беҳишт ифторларини туйиб, жаннатий лозим эришиш ҳам улкан саодатдир.



2010 yil -

“BARKAMOL AVLOD YILI”

